



ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 1 март куни хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Халқимиз тарихида буюк аллома-лар, жаҳонгир боболаримиз қаторида, бундай инсонларни дунёга келтириб, тарбиялаган, улугвор ишларга руҳлантирган фозила аёллар ҳам кўп бўлган. Бугун ҳам хотин-қизларимиз фарзанд тарбиясида, турли соҳаларда, маҳаллаларда фидойилик кўрсатмоқда. Уларнинг огирини енгил қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида сўнгги йилларда бир қатор қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

2021 йилда аёллар тадбиркорлиги дастурлари доирасида 200 мингдан зиёд лойиҳаларга 2 триллион сўм кредит ва субсидиялар ажратилиб, 320 минг хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. 190 минг нафар аёл касб-хунарга ўқитилди. 4 мингдан зиёд хотин-қизларга уй-жой тўловининг бошланғич бадалига маблағ ажратилди.

2 минг нафар қиз алоҳида грант асосида олий таълимга қабул қилинди. Натижада ўтган йили олий ўқув юртиларига кирган талабаларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.

Умуман, 2020 йилдан бошлаб "Аёллар дафтари" тизими йўлга қўйилиб, унга киритилган 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик кўмак берилган.

Йиғилишда бу борадаги навбатдаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Хозирги кунда "Аёллар дафтари"да 630 мингдан зиёд хотин-қиз рўйхатда турибди, улардан 200 минг нафари ишсиз. Аёллар ўртасида жиноятчилик, оилада зўравонлик ва тазйиқ ҳолатлари, афсуски, ҳали ҳам бор.

Давлатимиз раҳбари бу муаммоларни ҳал этишда маҳалла фаоллари, жамоатчилик ва нурунийларнинг ўрни ва таъсири сезилмаётганини айтди.

— Бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруғ келажагимиз ҳам аёлларга боғлиқ. Агар халқимиз биздан рози бўлишини хоҳласак, аввало, мўътабар оналаримиз, опа-сингилларимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратишимиз керак. Она рози бўлса, оила рози бўлади, оила рози бўлса, жамият рози бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу мақсад мамлакатимизнинг та-раққиёт стратегиясида энг муҳим

йўналишлардан бири сифатида бел-гиланган. Уларнинг ижросини тизимли тарзда, ҳар бир маҳалла кесимида амалга ошириш учун Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида Президент фармони қабул қилинди.

Қўмита раиси айни пайтда Бош вазир ўринбосари ва Сенат аъзоси сифатида фаолият юритади. Қўмитанинг вилоят, туман ва шаҳар бошқармалари раҳбарлари эса ҳоким ўринбосари ҳисобланади.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда "Аёллар дафтари" жамғармаси мазкур қўмита томонидан бошқарилади. Юртимиздаги 9 минг 309 та маҳалла раисининг хотин-қизлар ва оила бўйича ўринбосари лавозимлари ҳам қўмита тизимига ўтказилди ҳамда ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими янги-дан жорий қилинади.

— Энди ҳар бир маҳаллада аёлларнинг дарди билан яшайдиган тизим бўлади. Қайси аёлга нима кераклиги, ўқиши, даволаниши, болалари тарбияси бўйича менинг столимда адолатли рақам бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Маълумки, хотин-қизлар масалалари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тизимида эди. Алоҳида қўмита тuzилиши муносабати билан бу вазирлик ҳам Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги сифатида қайта ташкил этилди.

Бу соҳада ҳам янги тизим яратилиши белгиланди. Жойларда бу вазифа бевосита ҳокимларнинг зиммасига юклатилади, ҳоким ўринбосари лавозимни қисқартирилади. Маҳалла раиси ўз ҳудудда ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаолининг ҳамжиҳатлиқда ишлашини таъминлайди.

Шунингдек, Халқ қабулхоналарининг вазифалари ҳам энди шаҳар ва тумандан маҳалла миқёсига тушади.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. 2022 йил 1 сентябрдан хусусий секторда расмий ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик нафақасини давлат томонидан тўлаш тизимини йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берилди. Бу мақсадлар учун жорий йилда

бюджетдан 200 миллиард сўм, 2023 йилда эса 1 триллион 700 миллиард сўм йўналтирилиши қайд этилди.

Аёлларнинг уй-жой шароитини яхшилаш масаласига тўхталар экан, Президентимиз шундай деди:

— Бир вақтлар аёлларга имтиёзли уй беришга имкон йўқ эди, бунга қонуний асос, маблағ йўқ эди.

Йиғилишда ипотека кредитлари бўйича ажратиладиган субсидияларнинг воситалари билан таъминланади. 3 миллион нафар хотин-қиз онкологик скринингдан ўтказилади. Шунингдек, қизларни эмлаш, фертил ёшдаги аёлларни дори ва витаминлар билан бепул таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

Уларнинг саломатлигини тиклаш бўйича ҳам аниқ тадбирлар амалга оширилади. Хусусан, жорий йилда 6 минг нафар аёлга юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатилади. Ногиронлиги бўлганлар реабилитация воситалари билан таъминланади. 3 миллион нафар хотин-қиз онкологик скринингдан ўтказилади. Шунингдек, қизларни эмлаш, фертил ёшдаги аёлларни дори ва витаминлар билан бепул таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

Қизларнинг яхши таълим олиши, касб-хунар эгаллаши Президентимизни ҳаммиша ўйлантирадиган масалалардан бири. Бу йиғилишда ҳам улар учун таълим шароитларини кенгайтириш бўйича тарихий қарорлар қабул қилинди.

Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш дастури ишлаб чиқилади. Дастур доирасида пойтахтимизда асосан хотин-қизларни ўқитиш учун давлат-хусусий шериклик асосида тўқимачилик соҳасида алоҳида университет ташкил этилади. Пахта-тўқимачилик ва пиллачилик кластерлари иштирокида жойларда университетнинг техникумлари ҳам очилади.

Янги ўқув йилидан бошлаб таълим контрактларини тўлаш учун қизларга илк маротаба 7 йил муддатга фойсиз кредит бериш жорий қилинади. Бунинг учун жорий йилда банкларга 1 триллион 800 миллиард сўм, келгуси беш йилда 8 триллион сўм маблағ ажратилади.

Яна бир янгилик: келгуси ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқиётган қизларнинг контракт пуллари тўлиқ бюджетдан қоплаб берилади. Шунингдек, эҳтиёжманд оила вакиллари, ота

ёки онасини йўқотган талаба қизларнинг таълим контракти маҳаллий бюджетдан тўланади.

Жамиятимизда олина аёллар улущини сезиларли ошириш учун докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилади.

Мономарказлар ва олийгоҳлар қошида Малакани баҳолаш марказлари ташкил этиш, аёлларни талаб юқори бўлган ишчи касбларга ўқитиш бўйича кўрсатмалар берилди.

2022-2024 йиллар учун "Бизнес аёллар" дастури қабул қилиниши белгиланди. Унинг ижросига жами 8 триллион сўм йўналтирилади. Аёллар учун тадбиркорлик курслари ташкил этилади, имтиёзли кредитлар берилади.

Давлатимиз раҳбари эҳтиёжманд хотин-қизлар бандлигини таъминлаган тадбиркорларни ҳам қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади. Улар учун қўллаб солиқ ва савдо имтиёзлари белгиланди.

Йиғилишда аёлларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Бугунги кунда тазйиқ ва зўравонликка учраган аёллар 30 кун муддатга алоҳида ҳимояга олинади. Лекин ундан кейинги тизим бўшлиқ бўлиб қолган.

Шу боис, энди аёлларнинг тазйиқ ва зўравонлиқдан ҳимояси суд томонидан таъминланиши, алоҳида ҳимояга олиш бир йилгача белгиланиши айтилди.

Оилаларни мустаҳкамлаш, фарзанд тарбиясида ота-онанинг масъулиятини ошириш ҳам бугунги кундаги долзарб масалалардан.

Президентимиз бу борада обрў-эътиборли, билимли хотин-қизлардан иборат "Оқила аёллар" ҳаракатини ташкил қилиш таклифини билдирди.

— Бу ҳаракат "маҳалланинг виждони"га айланиши керак. Чунки маърифатли жамиятни маърифатли оналарсиз қуриб бўлмайди, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда белгиланган чора-тадбирлар ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди. Фаол аёллар, тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари сўзга чиқиб, ўз фикрларини билдирди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг

Қ А Р О Р И

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВНИ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ерларининг самарадорлигини, жумладан, суви тежайдиган технологияларни қўллаган ҳолда, оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари замон талабларига мослаб борилаётганлиги сабабли суви тежайдиган технологиялар 2021 йилнинг ўзида 433 минг гектар майдонда жорий этилди ва уларнинг умумий кўрсаткичи суғориладиган майдонларнинг 17 фоизини ташкил қилди.

Бироқ, суви тежайдиган суғориш тизимларини ишлаб чиқариш, етказиб бериш, харид қилиш, жойларда лойиҳалаштириш ва ўрнатишдаги камчиликлар ҳамда айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг бу борадаги кўникмалари етарли эмаслиги мазкур технологияларнинг ўз вақтидан кечикиб жорий қилинишига сабаб бўлмоқда.

Суви тежайдиган технологияларни жорий қилишдаги мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, минтақада кузатилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув

ресурсларидан янада самарали фойдаланиш мақсадида:

1. Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг 2022 йилда 478 минг гектар майдонда суви тежайдиган технологияларни жорий қилиш орқали сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. 2022 йилда суви тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича прогноз кўрсаткичлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бош вазир ўринбосари Ш.М. Фаниев: а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда мазкур қарорга 1-илова билан тасдиқланган прогноз кўрсаткичларга мувофиқ 2022 йил якунига қадар республика бўйича камида:

230 минг гектар, шу жумладан, 160 минг гектар пахта хомашёси етиштириладиган майдонларда томчилатиб суғориш;

28 минг гектар, шу жумладан, 25 минг гектар бошоқли дон етиштириладиган майдонларда ёмғирлатиб суғориш;

Давоми 2-бетда

ҲУДУДЛАР ҲАЁТИ

СЎҲДА БАҲОР НАФАСИ

ёхуд ўзгариш ва янгиланиш одамлар ҳаётида ўз аксини топмоқда



2-бетга қаранг.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН



Музаффар Абдуллаев олган сурат.

ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТАСИ

Хасталикларни эрта аниқлаш ва олдини олиш, шифокорлар фаолиятини баҳолашда янги тизим

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, дунё аҳолисининг деярли ярми энг керакли тиббий хизмат билан тўлиқ қамраб олинмаган. 800 миллиондан ортиқ аҳоли ёхуд дунё аҳолисининг 12 фоизи даромадининг камида 10 фоизини соғлиқни сақлаш учун сарфлайди.

Чунки ҳар қандай касаллик қайсидир миқдорда маблағ ва тиббий имконият талаб қилади. Тиббий хизмат нархи ошганда аҳолининг камхарж қатламида

юқори малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти бўлмаслиги мумкин. Тиббий суғуртанинг мақсадларидан бири ана шу муаммони бартараф

этган ҳолда, тиббий хизматдан фойдаланишда барчани тенг қамраб олишдир.

Давоми 5-бетда

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР



ЯҚИН КЕЛАЖАҚДА ИМПОРТ ЎРНИ ҚОПЛАНАДИ



Ўсимлик мойлари турини кўпайтириш, сифатини янада яхшилаб, ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтириш энг долзарб масалалар сирасига киради. Юртимиз аҳолисини маҳаллий шароитда етиштирилган ва ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб, импорт ҳажминини кескин қисқартириш мақсадида ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, зайтунни плантация усулида етиштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВНИ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2 минг гектар қишлоқ хўжалиги экин майдонларида дискретли суғориш тизимлари жорий қилинишини;

218 минг гектар экин майдонларининг лазерли ускуна ёрдамида текисланишини ташкил этсин;

б) Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Бош прокуратура (Ш.Ж.Рахимов), Ички ишлар вазирлиги (С.А.Нишанбаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда тасдиқланган прогност кўрсаткичлар ижроси юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин ҳамда натижаларини танқидий муҳокама қилиб босин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев), “Худудий электр тармоқлари” АЖ (У.М.Мустафоев), Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси (Б.Ф. Исламов) билан биргаликда бир ҳафта мuddатда 2022 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича манзилли рўйхатни тасдиқласин, бунда:

сувни тежайдиган тизимлар, биринчи навбатда, йирик сув узатиш ва сув чиқариш тармоқларининг бош қисмида жорий этилиши лозимлигини инобатга олган ҳолда “бир канал — бир тизим” тамойили асосида жойлаштирилишига;

экин майдонларининг мавжуд инфратузилмасидан келиб чиққан ҳолда, доимий равишда узлуksиз электр энергияси ва сув билан таъминлаш имконини мавжудлигига эътибор қаратилсин.

4. 2022 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини еттиштиришда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тартиби белгилансин:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар 2-иловага мувофиқ;

сувни тежайдиган суғориш тизимларини харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар 3-иловага мувофиқ тақдим этилади.

Субсидия маблағлари мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ ҳисоб-китоб қилингандан сўнг, ҳисоб-китоб қилинган сумманинг:

50 фоизи тизим жорий қилинган йили ажратилади;

50 фоизи келгуси йили ҳосилдорлик ошиши ва ускуналарнинг ишлатилишига қараб ажратилади;

қўшимча 20 фоизи учинчи йилда жорий қилинган тизимни ишлатган ҳолда юқори ҳосилдорликни сақлаб қолган пахта, ғалла ва мева-сабзавот кластерларига тўлаб берилади.

5. Белгилансинки:

мазкур қарорнинг 4-бандида назарда тутилган

субсидия маблағлари жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш тизимлари камида беш йил ишлатилиши шарти билан ажратилади;

сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган ер майдонлари камида 5 йил мобайнида мақбуллаштирилмайди, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига ердан фойдаланувчи розилиги асосида сарф этилган маблағларнинг ўрни тўлиқ қоплангандан сўнггина рухсат этилади;

2021 йилда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилганлиги учун Давлат бюджетидан субсидия маблағларини олган, бироқ жорий этилган сувни тежайдиган суғориш тизимларини суғориш мавсумида ишлатишга улғурмаган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар мазкур тизимни 2022 йил суғориш мавсумига қадар ишга туширмаган тақдирда олинган субсидия маблағларини белгиланган тартибда Давлат бюджетига қайтарadi.

Бош прокуратура (Ш.Ж.Рахимов), Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (А.Д.Вахабов) ва Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев ва Р.Ж.Қаршиев) мазкур бандда белгиланган талабларнинг ижросини қатъий назоратга олсин.

6. Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров, Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) 2022 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш учун республика бюджетидан 1 182,4 миллиард сўм маблағларнинг ўз вақтида ажратилишини тасминласин.

7. Сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинган экин майдонлари узлуksиз:

сув билан таъминланишига — сув хўжалиги вазирлиги Ш.Р. Хамраев;

электр энергияси билан таъминланишига — “Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси У.М.Мустафоев шахсан масъул эканлиги белгилансин.

8. Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларда мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳисобига:

ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари таркибида 1 штат бирлигидан иборат ички аудит гуруҳлари (кейинги ўринларда — ИТХБ ички аудит гуруҳлари) ташкил этилсин;

Сув хўжалиги вазирлигининг ички аудит хизмати қўшимча 1 та штат бирлиги ажратилсин.

Белгилансинки:

а) ИТХБ ички аудит гуруҳлари бевосита Сув хўжалиги вазирлигининг ички аудит хизматига бўйсунadi;

б) ИТХБ ички аудит гуруҳларининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисmini қоплаш учун мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ ажратиладиган субсидияларнинг тўғри ҳисобланганлигини ҳамда белгиланган тартибда расмийлаштирилганлигини ўрганиш;

жорий қилинган сувни тежайдиган тизимларнинг ҳаққонийлигини жойига чиққан ҳолда ўрганиш;

Сув хўжалиги вазирлигига сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисmini қоплаш учун субсидия ажратиш ёки ажратмаслик юзасидан ҳулоса киритиш;

сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга сарфланган харажатлар бўйича ҳужжатларни ҳамда бу борада амалга оширилган бухгалтерия операцияларини доимий мониторинг қилиб бориш;

сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишда вужудга келиши мумкин бўлган қонун бузилиши ҳолатларининг барвақт олдини олишга қаратилган чоралар юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни ривожлантириш бўлими томонидан юритиладиган сувни тежайдиган тизимларнинг жорий қилинган майдонлари бўйича ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини назорат қилиш.

9. Бош вазир ўринбосари Ш.М. Ғаниев Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Ш.Ш. Шарахметов) билан биргаликда бир ой мuddатда ўтган йилларда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш ишларини сифатли амалга оширган ҳамда бозор иқтисодиётида эркин рақобат талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган “Tomchi-reestr” пудрат корхоналарининг ягона электрон реестри (кейинги ўринларда — “Tomchi-reestr” ЯЭР)ни ишлаб чиқсин.

“Tomchi-reestr” ЯЭРни ишлаб чиқишда, жумладан, қуйидагиларга эътибор қаратилсин:

корхонанинг ишлаб чиқариш базасига эга бўлишига;

корхона томонидан маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилганлиги ёки хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг расмий дилерлик мақомига эга бўлишига;

амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан солиқ хавфи даражасига;

лойиҳани амалга ошириш учун зарур техника, маалаки мутахассис, жумладан, лойиҳачи, инженер ва агрономлар билан таъминланганлик даражасига;

амалга оширилган лойиҳалар доирасида фермер хўжаликларига сервис хизмати кўрсатилиши йўлга қўйилганлигига.

Белгилансинки, “Tomchi-reestr” ЯЭРга киритилмаган пудрат корхоналари томонидан амалга оширилган лойиҳаларга субсидия маблағлари ажратилмайди.

10. “Tomchi-reestr” ЯЭРга киритиладиган субъектларни аниқлаш учун Сув хўжалиги вазирлигига:

Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ҳодимлар сони, асосий воситалар ҳажми, олинган даромадлар, тўланган солиқлар ва иш ҳақи фонди тўғрисидаги маълумотлар;

бошқа мутасадди вазирликлар ва идоралар томонидан зарур идоравий маълумотлар ўрнатилган тартибда тақдим этилиши белгилаб қўйилсин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (К.А. Юлдашев) Сув хўжалиги вазирлиги (Р.Ж.Қаршиев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О.А.Пекосъ) ҳамда Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров) билан биргаликда 2022 йил 10 мартга қадар сувни тежайдиган технологияларни жорий қилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар бериш юзасидан тегишли материалларни тўплаш, қўриб қиқиш ҳамда ваколатли орган ва ташкилотлар билан келишишининг “Agro-subsiidiya” ягона ахборот тизими (кейинги ўринларда — “Agro-subsiidiya” ЯАТ) жорий қилинишини таъминласин.

12. “Agro-subsiidiya” ЯАТ ҳамда “Tomchi-reestr” ЯЭРдан фойдаланиш харажатлари Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилиши белгилансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 октябрдаги “Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ—4499-сон қарорига мувофиқ 2022 йил 1 январдан:

пахта хомаёси ва бошоқли дон етиштириш учун насос агрегатлари ва суғориш қудқуқлари истеъмол қилган электр энергияси қийматини Давлат бюджетидан субсидиялар ҳисобига қоплаш тартиби фақат сувни тежайдиган технологияларни жорий этган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга таъбиқ этилиши;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари томонидан сув хўжалиги ташкилотларининг суғориш қудқуқлари ва вертикал дренаж қудқуқларидан қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун фойдаланишга сувни тежайдиган технологияларни қўллаш шарти билан рухсат этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Бош прокуратура (Ш.Ж.Рахимов), Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров) Ички ишлар вазирлиги (С.А. Нишанбаев) ва Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев ва Р.Ж. Қаршиев) мазкур бандда белгиланган талабларнинг ижросини қатъий назоратга олсин.

14. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И.Норкулов) Молия вазирлиги (А.Я.Хайдаров) ва Сув хўжалиги вазирлиги (Р.Ж.Қаршиев) билан биргаликда икки ой мuddатда 10 гектардан кам бўлмаган пахта ва бошоқли дон майдонлари учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўча генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг 50 фоизига, бироқ 100 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган


Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 1 март

Ш. МИРЗИЁЕВ

ХУДУДЛАР ҲАЁТИ



ёхуд ўзгариш ва янгилашиш одамлар

ҳаётида ўз аксини топмоқда

Бу ҳудуд балиқчи тоғлари, тиниқ булоқлари, жўшқин сойлари, қўкка бўйлаган азим дарахтлари билан кишини доим ўзига мафтун этади. Айни баҳор кезларида пурвиқор тоғларга қўкдам чойшабин тўшамоқда. Шу замин аҳли табиат жонлишига уйғун тарзда дала ишларини бошлаб юборган.

Президентимизнинг “2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори сўхликларга янги имконият эшикларини очди, янги ташаббусларига қанот бўлди.

Ҳа, сўнгги йилларда мазкур анклави ҳудудда ишчилик, ичимлик сув, электр энергияси таъминоти, йўлларни асфальтлаш сингари муҳим ишларга давлат бюджетидан маблағлар ажратилиб, йиллар давомида йилгил қолган муаммоларга ечим топилмоқда. Истикболли лойиҳаларнинг ишга туширилиши одамлар яшаш тарзи ва дунёқарашини ижобий томонга ўзгартиряпти.

Иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмушини яхшилаш, бандлигини таъминлаш мақсадида туманда фойдаланилмаётган майдонларни ўзлаштиришга катта эътибор қаратилган. Жумладан, “Жавпая”, “Сурати”, “Варган” ҳамда “Малбуғ” массивларида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган 3 минг 794,1 гектар адирлик Фарғона давлат ўрмон хўжалиги ихтиёрига берилиб, лаванда, каврак, наматак каби шифобахш ўсимликлар етиштирилмоқда. “Соҳибкор” фермер хўжалиги иш тажрибаси асосида узумзорларни кенгайтириш ва етиштирилган маҳсулотни экспортга йўналтириш борасидаги ишлар бошлаб юборилди.

Уч мингта иш ўрни

яратилади

Тоғ ёнбағридаги майдонларга сув чиқариш орқали ерларни ўзлаштириш, деҳқончилик, боғдорчиликни ривожлантириш истиқболли лойиҳалардан

саналади. Шу мақсадда “Қайроқ” массивида ишга туширилаётган кўтарма сув тармоғи янги ерларни сув билан таъминлаш имконини беради. Айни кунда уч кўтармали замонавий насос станциясини фойдаланишга топшириш билан боғлиқ сўнгги ишлар амалга ошириляпти. Бу ерда станциянинг 1- ва 2-босқич биноси, сув олиш иншооти, электр подстанцияси қуриб битказилди.

— Мазкур ер майдонлари сув билан таъминлангандан сўнг 500 гектар pista, 250 гектар ёнғок, 100 гектар нок, 100 гектар олма боғлари барпо этиш, 10 гектар ер майдонда малина, 120 гектар майдонда доривор ўсимликлар етиштириш режалаштирилмоқда, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Ўткир Болтабоев. — Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топшириладиган насос станцияси лойиҳасининг умумий қиймати 92 миллирд сўм бўлиб, 211 метр балиқчиликда жойлашган 1080 гектардан зиёд майдонни сув билан таъминлайди. Янги ерларда кооперация ҳамда кластерлар ташкил этиш йўли билан ҳудудда яшовчи ишчи эшларга 50 сотихдан бўлиб берилади. 3 минг нафардан ортиқ ёшнинг бандлиги таъминланади.

“Жавпая” массиви қир-адирликлардан иборат. Эндиликда бу ерлардан ҳам самарали фойдаланиш чоралари қўйилмоқда. Массив замонавий ирригация тизимини ривожлантириш, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, кам сув талаб қиладиган экинлар экиш орқали ўзлаштириляпти. Хусусан, ўзлаштирилаётган ерлар атрофидаги “Тул”, “Қалача”, “Соҳибкор” маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи 1000 та оилага, жумладан, “Темир

дафтар”, “Аёллар дафтари” ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилганларнинг ҳар бирига боғ учун 1 гектардан, иссиқхона учун 10 сотихдан ер майдони ажратиб берияпти. — Боғдорчилик ва деҳқончилик маҳалламизнинг драйвери ҳисобланади, — дейди “Қалача” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фаёзидин Тождидинов. — Айни кунда иқтисодий дафтарларга киритилган саксон нафарга яқин аҳоли ва бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга янги ўзлаштирилаётган ерда иссиқхона ва боғ барпо этиш юзасидан тақлифлар бердик. Шу кунга қадар 36 нафар аҳолига иссиқхона қуриш учун ер майдони ажратилиб, баҳорги юмушлар бошлаб юборилди. Иссиқхона қуришга моддий жиҳатдан имконияти етмаётган 6 оилага 30 миллион сўмдан имтиёзли кредит ажратилди.

“Жавпая” массиви учун Сўх дарёсидан қурувлар орқали сув чиқариш, чуқур қовлаш, унумдор тупроқ келтириш, электр тармоқларни тортиш ишлари бажарилмоқда. Сув чиқарилган, ҳовузалар барпо этилиб, барча майдонларда томчилатиб суғориш тизими йўлга қўйилади. Ҳозирга қадар 900 га яқин оила ер олиш учун муурожаат қилган. Бундан ташқари, иссиқхона қурилиши учун етарли маблағга эга бўлмаганларга имтиёзли кредитлар тақдим этиляпти.

— “Ёшлар дафтари”да ҳисобда тураман, — дейди “Соҳибкор” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Фарҳод Ғофуров. — Иссиқхона қуриш учун 10 сотих ер ажратиб беришди. Майдонларга

техникалар ёрдамида тупроқ келтириб тўқиялпти. Хўплас, иш жуда қизгин. Иссиқхонага 100 тупдан ортиқ лимон қўчати эмокчиман. Ниҳоллар ҳосилга киргунча сабзавот етиштираман. Сув таъминоти, маҳсулотни сотиш билан боғлиқ масалалар ҳам шу ерда ҳал этилаётгани мен каби иш бошлаётган тенгдошларим учун катта имконият бўлмоқда.

Янги ерларни ўзлаштириш жараёнидаги тупроқ қазии ишларини бажариш учун 38 та техника, 80 нафар



дан ортиқ ишчи-ҳодим жалб этилди. Шу кунларда 104 та иссиқхона бунёд этили ишлари якунига етмоқда. Вилоят фавуқлодда вазиятлар бошқармаси вакиллари кўмағида тоғ шароитидаги ноқулай об-ҳавода юзага келиши мумкин бўлган турли хавф-хатарлардан ҳимоялаш бўйича зарур чоралар қўйилмоқда.

Қарийб уч ярим миллион

долларлик инвестиция

Эътироф этиш керакки, сўхликларнинг тадбиркорликка иштиёқи ошиб борапти. Бунинг учун йилнинг ўзида 219 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилган. Шулар ичига 102 миллирд сўмдан ортиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган ҳам қуриш мумкин.

Худудий инвестиция дастури доирасида 56 та лойиҳа ҳисобига 700 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Шу билан бирга, Сўхда умумий ер майдони 8,1 гектар бўлган 5 та кичик саноат зонаси ташкил этилган. Шундан 5,1 гектар ер майдонида 2 та Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси фаолият олиб борапти. Мазкур саноат зоналарида умумий қиймати 10,77 миллирд сўмга тенг бўлган 50 та лойиҳа рўёбга чиқарилиши тўғрисида юздан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

— Хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳудудимиз учун етарли йўналиш ҳисобланади, — дейди “Ровон” маҳалла фуқаролар

йиғинига бириктирилган ҳоким ёрдамчиси Илҳомжон Икромов. — Шу мақсадда аҳоли эҳтиёжи ва имкониятларини аниқлашга, мавжуд муаммолар ечимига алоҳида эътибор қаратилмиш. Яқинда янги савдо мажмуаси ишга тушди. Бу бир вақтнинг ўзида 180 нафарга яқин аҳоли бандлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш имконини берди. Шунингдек, ер олиб, деҳқончилик қилиш истағида бўлган ёшлар, кам таъминланган оилаларнинг 57 нафарга 15 сотихдан экин майдонлари берилди. Уруғ ва техника харид қилиш учун субсидиялар ажратилмоқда.

Туманда хизматлар соҳасини ривожлантиришга бўлган эътибор ошди. Ҳар бир маҳаллада 18 турдаги хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш юзасидан қарийб 182,5 миллирд сўм бўлган 180 та лойиҳа бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилди. Шу кунга қадар “Сўх маиший хизмат авто” МЧЖ томонидан “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “Автосалон ҳамда автомобильларга хизмат кўрсатиш” лойиҳаси амалга оширилди. “Мулгон” маҳалла фуқаролар йиғинида ёш тадбиркор Илҳомжон Саломов ташаббуси билан аҳолига хизмат кўрсатиш мажмуаси барпо этилди. Бинонинг биринчи қаватида озиқ-овқат ва кийим-кечак расталарига, иккинчи қавати маҳалла ёшлари ихтиёрига берилди.

— Жорий йилда туманимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида аниқ вазифаларни белгилаб олганмиз, — дейди туман ҳокими Сайидбаҳром Сайидмуҳаммадов. — Шу мақсадда 39 та инвестиция лойиҳаси доирасида қарийб уч миллион долларлик тўғридан-тўғри инвестиция ўзлаштирилади. Ичимлик сув таъминоти 100 фоизга етказилади. Бунинг учун 30 та сув иншооти қурилади ва реконструкция қилинади. Бундан ташқари, 274 километр масофага сув тармоқлари тортилиши эвазига минглаб гектардаги лалми ерлар ўзлаштирилади.

Сирасини айтганда, кўча Сўхда баҳор нафаси ана шундай хайрли амаллар, эзгу ташаббуслар билан бошланди. Ҳар бир оила, маҳалла, меҳнат жамоасида бунёдкорлик, яратувчилик аъёналари кенг қулоқ ёйди. Асосийси, аҳолининг турмуш даражаси тобора яхшиланиб бормоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,

“Янги Ўзбекистон” муҳбири

УЛУҒ НЕЪМАТ

ТИНЧЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТИБ, ШУКРИНИ АДО ЭТИНГ

Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раисининг биринчи ўринбосари

Сўнгги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш, демократия ва қонунийликни қарор топтириш, ижтимоий муҳофаза ва аҳолининг саломатлигини асраш, илм-фан ва таълим-тарбия, маданият ва диний-маърифат, шаҳарсозлик ва қурилиш, санъат ва спорт каби соҳаларда эришилган улкан ютуқлар, халқаро ҳамжамият ва нуфузли ташкилотлар бу борадаги эътирофи ҳар бир юртдошимиз қалбини фахр ва ғурурга тўлдирмоқда.



лозим. Яъни, инсонлар нафақат мавжуд тинчликнинг қадрига етиб, шукрини адо этиши, балки унга ношукрлик қилиб путур етказишдан ҳам сақланиши, келиб чиқиши мумкин бўлган нотинчликнинг олдини олишда ҳам фаол иштирок этишлари лозим.

— Ватан эрки, ҳудуди ёки обрўсига қарши ғоявий ёки ҳарбий ҳужумга қарши мудофаада туриш. Ватан оиладан бошланади. Оилада тинчлик бўлса, маҳалла, қишлоқ, шаҳар, вилоят ва нихоят мамлакатда осойишталик бўлади, юрт равнақ топади. Масаланинг эътиборли жиҳатларидан бири шуки, тинчликни улуг неъмат деб эълон қилган динимизда бу йўлда нафақат амал билан, балки сўз билан ҳам зарар келтиришдан қайтарилган. Шу нуқтаи назардан, фуқароларимиз юртимизда тинчлик-хотиржамликни асраб-авайлаш йўлида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни нафақат тўғри қабул қилишлари, балки эътиқодан қўллаб-қувватлашлари ҳамда бор имкониятлари билан ёрдам беришлари лозим. Таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган мана шундай чора-тадбирлар ҳисобига юртимиз тинч, халқимиз фаровон яшаб, диндорларимиз ибодатларини хотиржамлик ва эмин-эркинликда адо этмоқда. Бугунги таҳликали замоннинг ўзи воқеликка хушёрлик, теран ва чуқур

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан турли динларга мансуб қадриятларни авайлаб-асраш, барча фуқароларга виждон эркинлиги ва ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратиб бериш, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу йўналишда бошқа давлатларга намуна бўладиган бой тажриба ортирилди. Маскур йўналишларда кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга жорий қилинди.

Ҳеч шубҳасиз, юртимизда турли соҳаларда эришилаётган ютуқлар, тарихий натижалар замирида жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик ётибди. Тарихий ҳақиқат шундан иборатки, ижтимоий тараққиётнинг барча давларида давлат ва жамият ривожланиши барқарорлик ва тинч-осойишта ҳаёт кечиришга узвий боғлиқ бўлган.

Маълумки, ислом динида тинчлик Аллоҳ таоло томонидан бутун инсониятга инъом этилган улуг неъмат сифатида қадрланади. Уламолар Қуръони каримнинг 50 дан зиёд сурасидаги оятлар мўминлик, тинчлик ва бағрикенглик мавзуларига бағишланганини эътироф этади. Жумладан, Қуръони каримда баён қилинадики: “Эй имон келтирганлар! Елпасига итоатга киришингиз ва шайтоннинг изидан эргашмангиз! Албатта, у сизларга аниқ душмандир” (Бақара сураси, 208-оят).

Тинчликнинг илоҳий неъмат экани Муҳаммад алайҳиссаломнинг қуйидаги ҳадисларида ҳам қайд этилган: “Аллоҳдан афв ва тинчлик-омонликни сўранглар. Чунки бирор кишига имондан кейин тинчлик-омонликдан афзалроқ неъмат берилгани йўқ” (“Сунани Термизий”, 3558-ҳадис).

Ўзбекистон азалдан турли миллатга мансуб, турли динларга эътиқод қилувчи халқлар тинч-отув яшаган ўлка бўлиб келгани тарихий ҳақиқат. Аждодларимиз турли миллат ва дин вакилларига доимо ҳурмат билан муносабатда бўлгани, эл-юрт тараққиёти йўлида елкадош бўлиб меҳнат қилгани тарихий манбаларда кўп қайд этилган. Бугунги кунда Ватанимизда 130 дан зиёд миллат, 16 конфессияга мансуб фуқаролар ягона ва аҳил оила бўлиб, тинчлик-хотиржамликда, юртимиз мустақиллиги ва халқимиз фаровонлиги йўлида ҳамжиҳат фаолият олиб бормоқда.

Таассуфки, бугун жаҳон ҳамжамияти, хусусан, мусулмон оламида мурракаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар кечаётди. Инсоният муайян сиёсий доиралар томонидан ўз таъсир доираларини кенгайтириш мақсадида амалга ошираётган ғоявий курашлар ва мафкуравий таҳдидлар авж олган бир вазиятда яшайпти. Қатор давлатлар, хусусан, мусулмон юртлари ўтқир сиёсий танглик, ижтимоий ва иқтисодий беқарорлик ва кулолли низоларни бошидан ўтказмоқда. Мазкур мамлакатларда одамлар огир иқтисодий муаммолар гирдобиди, норозилик, озик-овқат танқислиги, очкандан-очик зўравонликлар ва хавфли бир шароитда кун кечирмоқда. Оқибатда бундай ҳудудлардан чочқилар сони ортиб, кенг миқёсда гуманитар тангликлар юзига келмоқда.

Дарҳақиқат, Пайгамбар алайҳиссаломнинг “Тинчлик ва хотиржамлик икки улуг неъматдурки, бундан кўп одамлар маҳрумдирлар” (Имом Бухорий, 6412-ҳадис) деган ҳадисларини эслаган ҳолда, бугунги кунда юртимиздаги тинч-осойишта ҳаёт қатор мамлакатларнинг халқлари учун орзу бўлиб қолаётгани гувоҳи бўлмоқдамиз.

Ушбу ҳолат дунё давлатларининг катта ёки кичиклиги, дини ва миллатидан қатъи назар, тинчлик ва барқарорлик нақадар азиз неъмат эканини яна бир бор исботлаб бермоқда. Шу ўринда Имом Термизий ривоят қилган ҳадисни эслаш ўринлидир: “Ким оиласи тинч,

танаси саломат ва ҳузурида бир кунлик таоми бор ҳолатда тонг оттирса, унга дунё тўлиғича берилибди” (“Сунани Термизий”, 2346-ҳадис).

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий барқарорлик жамият ҳаётининг осойишталиги билан тавсифланади. Барқарорликка тинч-отувлик ва уни мустаҳкамлаш учун шарт-шароит яратиш, турли ижтимоий қатламга мансуб фуқаролар ва сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамжиҳатликни, давлат, жамоат ва диний ташкилотлар, фуқаролар ўртасидаги ижтимоий келишув ва шерикчилик бардавомлигини таъминлаш орқали эришилади.

Аксинча, халқ орасида бузғунчилик ғояларини тарқатиш орқали беқарорлик келтириб чиқариш эса тинчлик ва хотиржамликни издан чиқаради. Ислом таълимотида аҳоли осуда ҳаёт кечириб турган жамиятда ҳаловат ва тинчликка раҳна соладиган ҳар қандай фитна ҳаракатлари одамларнинг қонини тўкишдан ҳам огир гуноҳ саналади:



“Сизлардан фақат золимларгагина хос бўлмаган (балки ҳаммаларингизга омавий бўладиган) фитна (азоб)дан сақланнгиз ва билиб қўйилгизки, Аллоҳ жазоси қаттиқ (зот)дир” (“Анфол” сураси, 25-оят).

Ислом уламолари Қуръони каримда тинчликка, одамларнинг осойишталиги ва хавфсизлигига раҳна сўлувчи амалларни қилмаслик буюрилганини таъкидлайдилар: “... Аллоҳ эса, фасодни (бузғунчиликни) ёқтирмайди” (Бақара сураси, 205-оят). Мазкур суранинг 60-оятда: “... Аллоҳнинг ризидан еб-ичингиз, Ер юзида бузғунчилик қилмангиз!..”, деб марҳамат қилинган.

Шунингдек, ислом таълимоти одамларни миллати, дини, жинси ёки қарашларидан қатъи назар, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилади ҳамда уларга зулм қилишдан қайтаради. Қуръони каримда: “...бирор қавм (кишилари)ни ёқтирмаслик сизларни уларга нисбатан адолатсизлик қилишга ундамасин!..” (“Мўда” сураси, 8-оят) дейилган.

Тинчликни сақлаш хушёрлик ва огоҳликни талаб қилади. Бугунги таҳликали замон тинчликни таъминлаш фақат давлатнинг ваколатли идоралари вазифаси деган нотўғри тушунчалардан воз кечиш, Ватан тақдирини учун астойдил қайғуриб яшашни тақозо этаётганига барчамиз гувоҳимиз.

Алоҳида қайд этиш лозимки, тинчликнинг шукронаси амалий бўлиши

Юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаётни асраш, қадриятларимиз, миллий-диний анъаналаримиз, менталитетимизга зид тушунча ва ғоялар кириб келишининг олдини олиш барча фуқароларимизнинг бурчи ҳисобланади. Айниқса, ҳар бир фуқаро ёшларимиз онгига, биринчи навбатда, она Ватани ва оиласи олдидаги масъулиятни сингдиришга, уларни инсонпарварлик, ватанпарварлик ва мамлакатимизга садоқат руҳида тарбиялашга устувор вазифа сифатида қараши керак.

Айниқса, ахборот манбалари, хусусан, ижтимоий тармоқлар орқали тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва Ислом дини моҳиятини сохталаштиришга, маънавият ва маърифатдан йироқлаштиришга қаратилган ғаразли уринишларга қатъий қарши туришимиз лозим. Мазкур йўналишда жамиятнинг элими қатламлари, олим ва уламолар олдинги сафда бўлишлари лозим.

Ватанпарварлик ота-боболардан мерос қолган заминни севиш, халқ урф-одатларини, қадриятларини асраш ва ривожлантириш, ўз она Ватанини душманлардан, ёт ва бегона ғоялардан ҳимоя қилиш, унинг озодлиги ва мустақиллиги учун жонини ҳам аямаслики назарда тутади. Уламоларимиз ватанпарварлик оддий шиор ёки ҳис-туйғу эмаслиги, балки уни қуйидаги хайрли амал ва ибратли ишларда ифода этиш лозим эканини таъкидлайди:

— Ватан ҳақиқига бор яхшиликларни тилаб дуо қилиш;

— жамиятда аҳилликни кучайтириш йўлида ҳаракат қилиш (силаи раҳм, қўшниларга яхшилик, ўзаро ёрдам, бир-бирига яхшиликни соғиниш, салбий ахлоқ ва ижтимоий иллатлардан сақланиш ва х.к.);

— Ватан салоҳиятини ошириш ва уни муҳофазаси учун жонқуярлик қилиш (Ватан мулкини авайлаб-асраш, унинг юксалиши учун ҳалол меҳнат қилиш, ўзини бағишлаш, бу йўлда таъмани яқинлаштирмаслик ва х.к.);

мушоҳада юритган ҳолда назар ташлашни, жаҳонда кучайиб бораётган хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли сабоқ олиб яшашни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, ватандошларимиз, айниқса, ёшларимизнинг онги ва шуурида мурракаб ва таҳликали дунё ва минтақада рўй бераётган турли воқеа-ҳодисалар, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақида бирёқлама ва ноҳолиқ тасаввур шаклланишига йўл қўймаслик зарур саналади.

Юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаётни асраш, қадриятларимиз, миллий-диний анъаналаримиз, менталитетимизга зид тушунча ва ғоялар кириб келишининг олдини олиш барча фуқароларимизнинг бурчи ҳисобланади. Айниқса, ҳар бир фуқаро ёшларимиз онгига, биринчи навбатда, она Ватани ва оиласи олдидаги масъулиятни сингдиришга, уларни инсонпарварлик, ватанпарварлик ва мамлакатимизга садоқат руҳида тарбиялашга устувор вазифа сифатида қараши керак.

Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида таъкидлаганидек: “**Маънавий уйғоқ жамиятни, ўз олдида улкан вазифалар қўйиб, келажақ сари ишонч билан бораётган халқни ҳеч ким ўз йўлидан тўхташга олмайди. Бундай халқни Яратганимиз ҳам қўллаб-қувватлайди, доимо йўлини очиб беради**”.

ИНСОНПАРВАРЛИК АМАЛИЁТИ



Тинч элнинг боғи гуллайди, деймиз. Элу юртга тинчлик-омонлик сўраб дуо қилишимиз замирида ҳам бу неъматни қанчалик улуғлашимиз, қадрига етишимиз англанади. Президентимиз таъбири билан айтганда, соат сайин ўзгариб, таҳликали бўлиб бораётган дунёда эса тинч ўтган ҳар кунни қадрлаш, бунинг учун Яратганга шукрона айтиш жоиз.

“МЕҲР”ДЕК ҚАДРЛИ, ҲАЁТ КАБИ ТОТЛИ

Ватандошларимиз она заминга олиб келинди

Тошкент халқаро аэропортида ҳаёлимиздан ўтаётган бу мушоҳадани юртимиз баҳорининг тароватли онлари ҳам тасдиқлаб тургандек, гўё.

Соат 20.30. Ҳайбатли самолётнинг чироклари осойишта тун бағрини ёриб, гулдуррак овози юракларни ўртаб юборади.

...Польшанинг Катовице шаҳридан парвоз қилган “Uzbekistan Airways” авиакомпаниясининг учинчи махсус самолёти Тошкент — тинчлик заминига келиб қўнди. Унинг бортида 253 ватандошимиз, хусусан, 119 эркак, 68 аёл ва 66 бола Украинадан Польша орқали она заминга олиб келинди.

Дунёда кулолли тўқнашувлар кучайиб, турли зиддиятлар авж олган, низолар кескинлашган бир шароитда янги Ўзбекистон ўз фуқароларини, қайси минтақада бўлмасин, доимо ҳимоя қилишга қодирлигини амалда исботлаб келмоқда.

Бунга мисоллар кўп. Давлатимиз раҳбарининг кучли сиёсий иродаси билан 2017 йилдан буён “Меҳр” инсонпарварлик операцияси доирасида 500 дан зиёд юртдошимиз ватанимизга олиб келинди. Президентимиз фармонида кўра, ёт ғоялар таъсирида хорлиққа чиқиб кетган, сўнг қилмишига пушаймон бўлиб, она юртига қайтишни орзу қилган яшаётган 2 мингдан ортқ ватандошимиз афв этилди. Шунингдек, ҳар йили тузалаш йўлига ўтган юзлаб фуқаролар озодликка чиқмоқда.

...Президент Шавкат Мирзиёев Украинадаги Ўзбекистон фуқароларини тезроқ олиб чиқиб кетиш бўйича махсус топшириқ берди. Буни уйдлаш, табиийки, осон бўлмади. Қатъий дипломатик келишувлар, шошилинч музокаралар олиб борилди. Қанча маблаг, қанча куч ва уйқусиз вақт кетгани эса иккиламчи масала. Лекин бир нарса аниқ ва муҳимки, ҳар сония, ҳар он ваҳм солиб турган ажал домидан олиб чиқиб, ватанимизга омон-эсон олиб келинган юртдошларимиз кўнглига хотиржамлик инди. Уларнинг ўзи,

гаплашиб турибману фахрланаямман. Чунки Украинада ўз фуқароларига шунчалик меҳр ва эътибор билан ёрдам бераётган фақат бизнинг давлатимиз бўлди. Биз шу манзаранинг гувоҳи бўлиб келдик. Буни ҳеч қачон унутмаймиз. Аллоҳнинг ўзи барчамизни бало-қазолардан асрасин!

Яна бир гап. Жанг майдонидан бошқа мамлакат фуқароларини олиб чиқиб кетиш айтишга осон. Вазият нихоятда мурракаб ва огир — техника юриши ўлим хавфи билан ёнма-ён, алоқа қийинлашган, ҳаёт меъёрлари издан чиққан. Шу маънода, юртдошларимизни Украина ҳудудидан олиб келиш чора-тадбирлари аҳамияти ва ташкилий жиҳатдан “Меҳр” операцияси билан тенг бўлса тенгки, асло кам эмас. Демак, Польша орқали Ўзбекистоннинг осойишта замини сари амалга оширилаётган ҳар бир парвоз “Меҳр”дек қадрли, ҳаёт каби тотли.

— Киев шаҳридаги Миллий педагогика университети 1-курс талабасиман, — дейди Иқболжон Махмудов. — 24 февраль куни тонгда портлаш овозидан уйғониб кетдим. Хитойлик, туркманистонлик курсдошларимни хавфдан огоҳлантирдим. Бошда ишониш қийин бўлди. Лекин жон ширин, дарҳол хавфсиз жой топиш илинжига тушдик. Ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон Президенти Украинадаги юртдошларимизни зудлик билан ватанга қайтариш бўйича топшириқ бергани, бунинг учун элчихонамизга мурожаат қилишимиз кераклигини билиб олдик ва шундай йўл тутдик. Самолётга чиққунимизча, бизни озик-овқат ва бошқа зарур нарсалар билан бепул таъминлаб туришди. Ҳаммиси учун миннатдормиз. Насиб қилса, университетни битириб, юртимга, Президентимизга хизмат қиламан.

1 март ҳолатига кўра, Ўзбекистон дипломатик ваколатхоналари ва мутасадди ташкилотлар саъй-ҳаракати билан Украинадан жами 762 Ўзбекистон фуқароси ватанга қайтарилди. Улар орасида аёллар,



ота-онаси, яқинлари, ёру биродарлари шу ишга бош бўлган, у ёқда жонини гаровга қўйиб елиб-югурган инсонларни алқаб, дуо қилмоқда.

Самолёт бортидан фарзандини кўтариб тушган ёшгина жувоннинг кўзларида қувонч, юзида бахтиёрлик ҳисси барқ уриб турибди.

— Андижонликмиз, турмуш ўртоғим билан Львов шаҳрида яшаб, ишлардик, — дейди Гулҳаё Мирзажалопова. — Украинада вазият бу даражага боради, деб ўйламагандик. Кучли саросимага тушиб қолдик. Кўз олдимдан тинч-осойишта юртимиз, қариндошларимиз ўтда бошлади. Фарзандларимни қўчоқлаб, умид билан шу кунларни кутдим. Президентимизга, у ёқда бизга ёрдам берган элчихонамиз вакилларига қатъи раҳмат. Ҳозир сиз билан

болалар, талабалар ва Украинада вақтинча ишлаган фуқароларимиз бор.

Юртдошларимизни олиб келиш операцияси давом этмоқда. Таъкидлаш жоиз, бунинг учун Ўзбекистоннинг Украина ва Польшадаги элчихоналари кечая кундуз тиним билмай ишламоқда. Парвозга қадар фуқароларимиз дам олиши учун имкон қадар шароитлар яратилмоқда, тиббий ёрдам, иссиқ овқат билан таъминлаш чоралари қўрилган. Шунингдек, Польшада элчихона ходимлари Ўзбекистон фуқароларининг рўйхатини шакллантирмоқда. Ҳужжатлари мавжуд бўлмаган юртдошларимизга эса ватанга қайтиш сертификати берилмоқда.

Улуғбек АСРОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ЗАЙТУН ВА СОЯ

ЯҚИН КЕЛАЖАКДА ИМПОРТ ЎРНИ ҚОПЛАНАДИ

Дилором ЁРМАТОВА,
қишлоқ хўжалиги фанлари
доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Озиқ-овқат ва дори-дармон, қимматбаҳо косметик маҳсулотлар тайёрлашда кенг қўлланиладиган зайтун мевасига бугун эҳтиёж катта. 1 гектар зайтун плантациясидан 15-17 минг доллар, уни қайта ишлаш орқали эса 45-50 минг доллар миқдорда даромад олиш мумкинлиги соҳанинг иқтисодийёт тармоғидаги нуфузини янада оширади. Узоқ йиллардан буён бу дарахтни мамлакатимиз иқлим шароитига мослаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бораган. Ҳаракатларим бесамар кетмади: "Изумруд", "Қорақўз" каби зайтун навлари давлат реестрига киритилди.

Ўзбекистон зайтун етиштириш имкони бўлган энг ёш мамлакатлардан бири. Юртимизда бу дарахт ilk бор 2003 йилда субтропик ҳисобланган Сурхондарё вилоятининг Олтинсой тумани ҳудудига экилди. 2006 йилда биринчи марта ҳосил берди. Мевасининг кимёвий таркиби тадқиқ этилганда, ундаги сквален моддаси Италия ва Грециянинг зайтун мойларига қараганда юқори эканлиги маълум бўлди. У табиий биологик фаол модда бўлиб, рақ, ўпка сили, вабо каби касалликларда организмда иммунитетни оширишда қўлланилади. Ўзбекистон қуёши нурларида пишиб етилган зайтун мевалари ўзининг қимматбаҳо таркиби билан ажралиб туради.

Умуман олганда, бу мева таркибида инсон организми учун зарур бўлган 104 та микро ва макро элементлар мавжудлиги боис, истеъмол қилинадиган мойлар ичида энг фойдалиси деб, эътироф этилади. Ёғи овқатланиш рақционига қўшилса, хавфли ўсмалар ва кўкрак саратони сезиларли даражада чекинади. У ичак, ошқозони беэи ва жигар фаолиятини яхшилайдиган ҳамда ўт халтасида тош пайдо бўлишининг олдини олади. Кальцийнинг яхши сўрилишини таъминлаб, суяк ўсишини кучайтиради, қон босимини яхшилайдиган. Меваси радиацияга қарши профилактик восита сифатида астронавтларнинг овқат рақционига ҳам киритилган. Фойдали хусусиятларга бойлиги учун ҳам ундан тайёрланган маҳсулотлар харидордир.

Мутахассислар фикрича, Уртаер денгизи мамлакатлари аҳолиси асосан зайтун мойини истеъмол қилганликлари сабабли соғлом ва узоқ умр кўради. Бир кунда унинг 5-6 донна мевасини истеъмол қилишнинг ўзи иммунитетни кўтаради.

БИТТА ДАРАХТ 100 КИЛОГРАММГАЧА ҲОСИЛ БЕРАДИ

Йил бўйи ям-яшил бўлиб турадиган баргларида антисептик ва микробга қарши моддалар мавжуд. Кукун ва дахлама шаклида истеъмол қилинадиган баргидаги олеуропеин моддаси тери раки касаллигига қарши курашдаги асосий дори воситаларидан биридир.

Яшил меваларидан совуқ пресслаш усули билан ажратиб олинган мойлар энг сифатли ҳисобланади. Иккинчи марта унинг кунжарасини қиздириш йўли билан ажратиб олинган маҳсулот сариқ тусда бўлиб, ҳиди камроқ бўлади. Учинчи марта сиқиб олинган зайтун мойи эса техник соҳада ишлатилишидан маълумки, меванинг даромад келтириш кўрсаткичи анча юқори.

Ҳосили йигиб олинган зайтун мевасининг ҳар 100 килограммидан 20-22 килограмм экологик тоза мой олинади. Чикиндиси — қорамол ва паррандалар



учун тўйимли озуқа. Ўсимлик ҳосилга кира бошлагач, дастлабки йилда ўртача 25-30 килограмм, кейинчалик эса 100 килограммгача ҳосил беради.

Бу дарахт аввалдан экиб келинма-

Шунингдек, Ўзбекистон Халқаро зайтун кенгаши (ХЗК)нинг тўлақонли аъзосига айланди. Мазкур ташкилот 1959 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда зайтун мойи етиштирувчи ва ишлаб чиқарувчиларининг 80 фоизини, экспорт қилувчиларининг 98 фоизини бирлаштиради.

Вазирлар Маҳкамаси ташаббуси билан 2021 йилда Сурхондарё вилоятида 500 гектар, жумладан, вилоятнинг Олтинсой, Музаббот ва Ўзун туманларининг ҳар бирида 100 гектар, Бандихон, Жарқўрғон, Сарисийё, Термиз туманларининг ҳар бирида 50 гектар майдонда зайтун плантациясини барпо этишга киришилди.

Зайтун етиштиришда айнан бизнинг иқлимга мос навини танлаб олиш муҳим. Ҳозирда танланган нав иқлимимизга мослашиб, боғбонлар боғида ишонч куртакларини очди. Биологик хусусиятига кўра, унинг анор, анжир, хурмо, гилос каби дарахтлар билан совуққа чидамлиги бир хил. Тупроққа

Яна бир муҳим жиҳати, мазкур плантациянинг бир гектарида 10 нафар киши иш билан таъминланган. Демак 50 гектарда 500 та иш ўрни яратилган. Зайтунзор ёнидаги Қарсаган маҳалла аҳлининг кўпчилиги ерда иш билан банд. Жарқўрғон туманининг "Сурхон" ҳудудида ҳам зайтун плантацияси бунёд этилган.

Бугунги кунда 1 литр зайтун мойининг озиқ-овқат дўконларидаги ўртача нархи 150 минг сўм. Испаниядан келтирилган мойларнинг нархи эса бундан ҳам юқори. Зайтуннинг ўзимизда етиштирилиши нархнинг ҳамёнбоп бўлиши ҳам таъминлайди. Ўз-ўзидан маълумки, маҳсулот қиммат бўлмаса, уни кундалик рақционига киритадиганлар сони ҳам кўпайиб бораверади. Бу эса аҳоли саломатлиги учун муҳим.

Греция, Италия, Испания каби мамлакатлар айнан зайтун мойидан катта даромад олгани учун уни "суюқ олтин" дейишади. Тўғри, зайтун етиштиришда етакчи мамлакатлар кўп. Аммо серкуёш



гани учун юртимиз боғбон ва фермерлари уни парваришлаш агротехникаси билан таниш эмас эди. Анджон ва Сурхондарёда синов тариксида экканимизда амин бўлдики, кўпчиликнинг унга қизиқиши ортиб бормоқда. Бинобарин, бугунги қишлоқ хўжалиги соҳаси янги навларни ўзлаштириш талаб қилапти. Миришкорлар билимли бўлиши, нотаниш ўсимликларни иқлимимизга мослаштиришда тажрибалар ўтказишдан чўчимаслиги керак. Зайтун ҳам анор, хурмо дарахтлари каби ортиқча парвариш талаб қилмайди.

Унинг юртимиз иқтисодиёти ва аҳоли саломатлигида тутган ўрни бекиёс. Сўнгги йилларда зайтун етиштиришга эътибор ва қизиқиш кучайди.

Жумладан, Олтинсой туманидаги Биби Зайнаб қишлоғида яшовчи Хушбўк Раҳмоновнинг чорак гектар майдонга эккан зайтунлари 2018 йилда ҳосилга кирди. Ўтган йили ҳар бир дарахтдан 20-25 килограммдан мева олинди.

Фарғона вилоятидаги шифобахш ўтлар билан шугулланадиган "Меҳриг" фирмасида ҳам зайтун ўстирилиб, баргидан турли хил доривор моддалар тайёрланмоқда. Анджон вилоятида совуққа мослаштирилган шундай дарахтлар парваришланаяпти. Шунингдек, аҳоли хонадонларида ҳам анча-мунча зайтун кўчатлари мавжуд.

2021 йил 2 августда Президентимиз "Зайтун мойи ва зайтун меваси тўғрисидаги халқаро битимга (Женева, 2015 йил 9 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги қонунни имзолади. Бу соҳанинг тарққий этиши йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди. Мевани ўзимизда етиштиришимиз, импорт ўрнини қоплаб, экспортга ҳам йўналтириш имкониятлари пайдо бўлди.

талабчан эмас, барчасида ўсади, енгил қумлоқ ерларни хуш кўради. Дарахтнинг совуқ урса ҳам кейинги йили қайта униб, ривожланади.

Зайтун дарахтининг афзаллиги шундаки, уни бошқа мевали дарахтларга мос келмайдиган ерларда ҳам етиштира бўлади. Таркибда кальцийли тузлар кўп, унумдорлиги ўртача бўлган майдонларда ҳам яхши илди элади. Шунингдек, унинг кўп ҳосил бериш ва меваларида мой миқдорининг юқори ҳамда сифатли бўлиши ё фаслнинг серкуёшлигига боғлиқ. Бу жиҳатдан бизнинг имкониятларимиз етарли.

Зайтун экиладиган майдонларни текислаш, юмшатиш ва бегона ўтлардан тозалаш лозим. Кузда тўксонбосди усулида намлатиб суғориш ҳам муҳим агротехник тадбирлардан саналади. Кўчатларини экишда иккита ёки учта нав бирга экилса, ўсимликининг чангланishi юқори даражада бўлади. Нихоллар кеч кузда ва баҳор ойларида экилади. Демак, ҳозир кўчат экишининг айна вақти.

Дарахт ёруғликка талабчан ва қуёшни яхши кўргани учун ҳам жанубий вилоятлар танланган. Сурхондарёда иссиқ об-ҳаво мўддати 227-266 кунни ташкил этади. Ҳудудларда 10-18 градусча бўлган совуққа чидамли зайтун кўчатлари экилган.

Сурхондарё зайтун етиштириш учун ниҳоятда қўлай ҳудуд ҳисобланади. Ҳозирда Олтинсой туманининг 100 гектарга яқин майдонидан зайтун плантацияси яратилган. Сув чиқмайдиган 50 гектар ер ўзлаштирилиб, томчилатиб суғориш тизими йўлга қўйилган. Бу усул орқали нихоллар илдиизи озиклантирилиб, 70 фоиз сув тежалаяди. Ўларга бериладиган озуқа ва дорилар ҳам сув орқали зарур жойга етиб боради. Бегона ўсимликларнинг "текинхўр" бўлишига йўл қўйилмайди.

заминимизда етиштирилган мазкур маҳсулот озуқа моддаларига бойлиги учун ҳам жажон бозорига унга талаб юқори бўлишига ишончимиз қомил.

Ўзбекистонда зайтун етиштиришга бугун ҳукумат даражасида эътибор қаратилиб, зайтунзорлар ташкил этилаётгани олим ташаббускорларни беҳад мамнун этапти. Эндикда барча ҳудудлар тупроқ иқлим шароити ўранилиб, зарур навларни танлашга алоҳида эътибор берилади.



“Сурхондарё зайтун етиштириш учун ниҳоятда қўлай ҳудуд ҳисобланади. Ҳозирда Олтинсой туманининг 100 гектарга яқин майдонидан зайтун плантацияси яратилган. Сув чиқмайдиган 50 гектар ер ўзлаштирилиб, томчилатиб суғориш тизими йўлга қўйилган.

“ФАРОВОНЛИК МАНБАИ”ДАН 400 ДАН ОРТИҚ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Мамлакатимизда соя етиштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мутахассислар томонидан "фаровонлик манбаи" деб таърифланадиган соя дони таркибининг эллик фоизини оқсил ташкил этади.

Мазкур ўсимлик таркибидан 400 дан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Дунё аҳолисининг 55 фоизи соя мойини истеъмол қилади. Бу ўсимлик етиштирилишига кўра, дунё дехқончилигида бугдой, шол и мақкажўхорида кейин тўртинчи ўринда туради.

Ўтган йили Шеробод туманидаги "Бўстонсой" кўп тармоқли хусусий корхонасида соядан мўл ҳосил олинди. Корхонада соя донини қайта ишлаш ҳам йўлга қўйилган. Оқдарё туманидаги "Юнусжон аҳли" оилавий корхонаси анча йиллардан буён соя уни, оқсил изолятини қайта ишлаш билан шугулланиб келади. Мавсумий қуввати 30 минг тоннадан ортиқ бўлган бу корхона замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Шу ҳудуддаги "Юнусжон аҳли" МЧЖ соя дуккагини чуқур қайта ишлашга ихтисослашган Ўзбекистондаги ягона саноат корхонаси ҳисобланади. Маҳсулотининг 60 фоизи экспортга йўналтирилади.

Соянинг қимматли озуқа эканлиги ўсимликининг аҳамиятини янада оширади. У чорва учун тўйимли озикадир.

Сулининг 100 килограмм донида 100, бугдойда 116, арпа донида 126, мақкажўхорида 133 озуқа бирлиги мавжуд бўлса, ана шунча соя донида 134,8 озуқа бирлиги бор. Кейинги пайтда сояга бўлган талаб кучайиб бораётганининг сабабларидан бири ҳам шунда.

Бундан ташқари донининг мойи олингач, ажралган оқсили болалар озуқалари ҳамда турли печенье ва конфетлар тайёрлашда ишлатилади. Соя уни қўшиб тайёрланган нон тўйимлиги бугдой, шол и мақкажўхори нонга нисбатан икки марта юқори.

Бу ўсимликининг афзалликларида яна бири, тупроқ унумдорлигини оширади. У ҳаводан соф азотни ўзлаштириб, илдишлари орқали тупроқни азот билан бойлатади. Натижада тупроқ таркиби яхшиланиб, биологик унумдорлиги ошади.

Юртимизда соя донидан инсон организми учун зарарсиз ўсимлик мойи олинаётгани олимларнинг изланишлари бесамар кетмагани ва қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилаётганининг далолатиدير.

Президентимизнинг 2017 йилда республикада соя экин экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чоратадбирлари белгилаб берилган қарорига асосан, 12 минг гектардан ортиқ майдонга соя экилиб, 14 минг тонна дон олинди. Ўшбу хомашёни қайта ишлаш ҳисобига аҳолига 2 минг тоннадан ортиқ соя ёғи, паррандачилик корхоналарига 10 минг тонна юқори озуқа-ли шрот етказиб берилди. 2020 йилга келиб, бу кўрсаткич 28,2 минг гектарга етди. Демак, сояни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлар миқдори икки баравардан зиёдга ортиди.

Давлатимиз раҳбари 2020 йилнинг 21-22 май кунлари Анджон вилоятига ташрифи доирасида "Кўҳна водий баҳори" фермер хўжалигида бўлиб, ғўза қатор ораларига соя экиш бўйича Анджон тажрибасини яратишни тавсия қилган эди.

Ќўза ва соя ўсимлиги қўша экилганда парвариш даврида қўшимча агротехник тадбир ўтказилмайди. Суғориш сони ва меъёри, бериладиган минерал ўғитлар миқдори, бажариладиган культивациялар сони ва бошқа юмушлар ўзгармайди, қўшимча харажат сарфланмайди.

Тажрибалар сояни ғўза қатор орасига экиш Анджон, Наманган, Тошкент, Фарғона вилоятлари шароитига тўғри келса, Қашқадарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларида очик майдонларда етиштириш мақбуллигини кўрсатаяпти.

Жорий йилда 73 минг 650 гектар асосий, 108 минг гектар ғўза қатор ораларига соя экиш мўлжалланган. Бу ўтган йилга нисбатан 40 минг 650 гектарга кўпдир. Натижада мамлакатимизга кириб келаётган соя маҳсулотлари импорти камаёяди.

Яқин келажақда зайтун ва соя экилган майдонлар янада кенгайиб, аҳолини экологик тоза маҳсулот билан таъминлаш имконини беради.

ДАВЛАТ ТИБББІЙ СУҒУРТАСИ

Хасталикларни эрта аниқлаш ва олдини олиш, шифокорлар фаолиятини баҳолашда янги тизим

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

▶ Бошланиши 1-бетда

Самара нималарда кўринмоқда?

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги сметали молиялаштириш тизими эскиргани, халқаро амалиётга мос келмайдиган механизмларга асослангани, аҳолининг малакали ва камхарж тиббий хизматга бўлган эҳтиёжи тиббий суғурта тизимига заруратни юзага келтирди.

Президентимиз ташаббуси билан давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида тажриба-синов тариқасида жорий этишдан кўзланган асосий мақсад ҳам аҳолининг молиявий қийинчиликлари дуч келмай, зарур тиббий ёрдам олишини таъминлаш, эл саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган.

Давлат томонидан бошқариладиган ва аҳолининг барча қатламига қамраб оладиган мазкур тизим энг тежамкор ва рационал модел ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди ўтган йилнинг 1 июлидан 2022 йил охиригача ўшбу вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш, тахриба-синов натижаларини таҳлил қилиш, 2023 йилдан бошлаб унинг ижобий натижаларини юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам босқичма-босқич жорий қилиш вазифаси белгиланган. Айни пайтда мазкур амалиёт илк самарасини кўрсатмоқда.

Тиббий суғурта тизими жорий этилиши аввалида вилоят аҳолисининг электрон реестри шакллантирилди. Беморнинг касаллиги, қайси шифокор қабулида бўлгани, ташхис ва даволаниш ҳолати ҳақидаги маълумотлар электрон базага киритилди. Бу эса хасталикларни эрта аниқлаш ва олдини олиш, шифокорлар фаолиятини баҳолашда қўл келмоқда.

Шу асосда поликлиникага мурожаат қилган ёки шифохонага борган шахсга индивидуал маслаҳат бериш, зарурат бўлса, назоратга олиш, консултация ва даволаш-реабилитация жараёнига жалб қилиш амалиёти олиб бориляпти. Вилоятдаги ҳар бир тиббиёт муассасасида тиббий бригадалар шакллантирилиб, 852 мингдан ортиқ аҳоли хатловдан ўтказилди. Улар саломатлик кўрсаткичига кўра тўрт гуруҳга ажратилди. Мақсад касалликларни эрта аниқлаш, тиббий ёрдамнинг бирламчи бўлинида малакали ва сифатли хизмат кўрсатиш, аҳолининг саломатлик даражаси, ўртача умр кўриш давомийлигини оширишдан иборат.

— Молиявий ресурслар чеклангани, улардан фойдаланиш самардорлигини ошириш соғлиқни сақлаш соҳасининг муҳим, ҳал қилиниши зарур бўлган муаммоларидан бири эди, — дейди Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ижрочи директори Фаррух Шарипов. — Суғурталаш тизимининг жорий этилиши аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва қўламининг ошиши, хавфли касалликларга чалиниш эҳтимолини камайтириш билан бирга, тез тиббий ёрдам тизимининг транспорт, тиббиёт муассасаларининг дори-дармон билан таъминланишини сезиларли даражада яхшилашга хизмат қилмоқда. Сирдарё вилоятидаги тиббиёт муассасалари билан Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ўртасидаги шартномага кўра, аҳоли жон бошига нисбатан, глобал бюджет (анъанавий) тарзда ва ҳар бир даволанган ҳолат учун молиялаштириш усулидан фойдаланилмоқда.

Ҳозир Сирдарё вилоятидаги 11 та туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси, 18 та соғлиқни сақлаш муассасаси билан шартнома имзоланган. Ўшбу шартномаларга асосан бирламчи тизим муассасалари уларга бириктирилган аҳоли сони ва таркибидан келиб чиқиб, диспансер хизмати кўрсатувчи муассасалар глобал бюджет асосида ва стационар муассасалар бажарилган ишлар натижаси (даволанган ҳолатлар) бўйича молиялаштириш тизимига ўтказилган.

Ўтган йилнинг июль-декабрь ойлариди давлат бюджетидан Сирдарё вилоятидаги тиббиёт муассасаларига шартнома асосида Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси 225,5 миллиард сўм йўналтирди.



Давлат тиббий суғуртаси жорий этилиши тиббий хизмат нархининг арзонлашишига, хизмат сифати ошишига олиб келмоқда. Фўқаролар оилавий шифокор йўланмаси билан тиббиёт муассасаларида сифатли тиббий хизмат олиш имконига эга бўлмоқда. Энди Сирдарё вилоятидан Тошкент шаҳрида жойлашган тиббиёт муассасаларига келувчилар сони камайди. Бу билан беморларнинг вақти тежалиб, ортиқча маблағ сарфланишининг олди олинмоқда. Эътиборлиси, кўплаб мураккаб жарроҳлик амалиётлари вилоятнинг ўзида, малакали мутахассислар иштирокида бажарилмоқда.

Бир том остида

Яқинда Гулистон шаҳрида барча қўлайликларга эга 520 ўринли Гулистон тиббиёт кластерининг биринчи босқичи фаолият



бошлады. Тиббиёт кластери давлат тиббий суғуртасини жорий этиш учун тўлалигича замин яратиш билан бирга, тиббиётда инновация ва биотехнологиялар учун йўл очилишига хизмат қилади. Бешта даволаш муассасаси ва вилоят диагностика маркази негизда ташкил этилган кластерга тегишли барча бўлим, диагностика ва лаборатория текшируви марказлашиб, бир бинода жойлаштирилган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож фахрийлар шифохонасидаги барча беморлар шу ерга кўчирилди. Тиббий ёрдам кўрсатишнинг учинчи даражасида тиббий хизмат кўрсатишнинг янги модели яратилиб, эндоваскуляр хирургия, кардиохирургия, юқори технология даволаш усуллари, трансплантация хизматлари тиббиёт кластерида тўлалигича йўлга қўйилди. Келгусида эндокринология, кўз касалликлари диспансерлари, вилоят шошилиш тиббий ёрдам маркази ва диагностика марказида ётган беморларга ёрдам кўрсатиш шу кластер таркибидида амалга оширилади ва бунинг учун барча шарт-шароит, имконияти яратилляпти.

Беморни даволашда бир вақтнинг ўзида кардиолог, окулист ёки эндокринолог маслаҳати керак бўлиши мумкин. Бу жараёнда бошқа даволаш муассасасида зарур мутахассис кўригидан ўтиб, уларнинг ҳулосасини олиш учун оворак сарсон бўлиш, вақт сарфлаш керак эди. Кластерга келгандан кейин аҳолининг бошқа даволаш муассасасига боришига эҳтиёж қолмайди. Шу ернинг ўзида барча мутахассис маслаҳатини олиш мумкин. Бу эса беморнинг вақтини ҳам, маблағини ҳам тежайди.

Россия, Беларусь ва Туркияда малака ошириб қайтган, замонавий тиббий жиҳозларни бемалол ишлата оладиган малакали шифокорлар самардорликни оширмоқда.



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!

— Барча бемор ўзига зарур тиббий ёрдамни қисқа вақтда олиши мумкин, — дейди Гулистон тиббиёт кластери директори Қодир Хотамов. — Хусусан, зарур ҳолларда шошилиш тиббий ёрдам навбатсиз кўрсатилади. Режали келган беморлар эса йўланма билан қабул қилинади.

Айни пайтда юқори технологик жарроҳлик амалиёти вилоятнинг ўзида бажарилмоқда. Мисол учун, бир неча йил муқаддам фақат чет элда амалга ошириш мумкин бўлган эндопротез ўрнатиш (сон бўғимидаги косачанинг бош чаногини алмаштириш) учун ҳозир малакали шифокор ҳам, махсус

қилинмаган ноёб жарроҳлик амалиёти, масалан, эндопротезлаш, умуртқа поғонасини мустаҳкамлаш, ортопедик нуқсон билан туғилган ногирон болаларда аъзолар шаклини, кўкрак қафасидаги деформацияларни тўғрилаш каби амалиётлар тиббиёт кластерида, етакчи мутахассислар иштирокида амалга оширилмоқда.

— Ўт пуфагимда тош пайдо бўлгани туфайли қаттиқ оғриқдан қийналардим, — дейди Сардоба туманидан келган 70 ёшли Икболлой Жумашева. — Жарроҳлик амалиёти йўли билан ўт пуфагимдаги тош олиб ташланди. Шифохонада шароит яхши. Дори-дармон, даволаш белул.

Мазкур амалиёт кесмасдан, лапроскопик усулда бажарилади ва кам асратли жарроҳлик амалиёти саналади. Бунда бемор икки-уч кунда аввалги соғлом ҳолатига қайтади ва бемалол уйга кетиши мумкин бўлади. Бир ҳафта, ўн кундан кейин меҳнатга лаёқатлилиги тикланади, нохуш асратлар кузатилмайди.

Айни пайтда вилоятда мураккаб нейрожарроҳлик амалиёти ҳам бажарилмоқда. Бунинг учун барча шароит яратилган. Замирида “Инсон қадрини учун” тамойили устувор бўлган, аҳоли саломатлигини асраш, умр давомийлигини оширишдек эзгу ниятда қилинаётган ишлар бугун ҳар бир юрдошимиз ҳаётида ўз ифодасини топмоқда.

— Суяк емирилиши касаллигига чалинганимга 15 йилдан кўпроқ бўлди, — дейди гулистонлик Роҳат Ҳожибекова. — Шунча йилдан бери соғлиғим ёмонлашиб, дардим ортаётганини сезиб келаётгандим. Йўланма билан мана шу шифохонага келдим. Жарроҳлик амалиёти ўтказилди, оёғимга протез қўйилди. Даволаш, дори-дармон, операция учун мендан ҳеч қандай маблағ талаб қилинмади. Ҳозир аҳолим яхши. Шу ернинг ўзида барча қўлайликларга эга шифохоналар ва

замонавий тиббий қурилмалар ҳам етарли. Ўтган йили вилоят миқёсида бу каби 30 та



жарроҳлик амалиёти муваффақиятли бажарилди.

— 2020 йилга нисбатан ўтган йилда жарроҳлик амалиёти кўрсаткичи 1,5 баробар кўпайди, — давом этади кластер директори. — Пойтахтга юборилаётган беморлар сони 2 баробар камайди. Бу инсонларнинг сарсон-саргардон бўлиб, қийналиб юришининг олди олинди, дегани.

Кластер ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Сабаби, бунинг учун мутахассислардан ташқари янги тиббий ускуналар, замонавий жиҳозлар сотиб олиниши керак. Тиббий суғурта тизими анжомларни сотиб олиш, мутахассисларни тайёрлашда молиявий кўмак бермоқда. 2020 йилгача вилоятда

яхши шифокорлар борлигидан ғурурландим. Барчаси учун чексиз миннатдорман.

Мутахассислар тайёрланаяпти, қимматбаҳо ускуналар келтириляпти. Хусусан, юрак ва буйракда мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказиш имконини берадиган ангиограф ускунасини харид қилиш кўзда тутилган.

Буларнинг барчаси замирида халқ розилигига эришиш, сифатли ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш мақсади мужассам. Буни халқимиз яхши билади ва қадрлайди. Зотан, англандан қадрнинг аҳамияти янада юксак бўлади.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

ТИКЛАНАЁТГАН КИМЁ КЛАСТЕРИ

илм-фан ва инновациялар учун самарали майдон

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институтини
ректори, профессор

Президентимизнинг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори олий таълим муассасалари ва маҳаллалар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Жумладан, Тошкент кимё-технология институтига Шайхонтоҳур ва Мирзо Улуғбек туманидаги 10 та маҳалла бириктирилган. Муассасамиз профессор-ўқитувчилари “Бир зиёли — бир маҳаллага

маънавий ҳомий” тамойили асосида маҳаллалардаги ўғил-қизлар, хусусан, уюлмаган ёшларни илм-фан ва касбга йўналтириш, бўш вақтини мазмунли ташкил этишга кўмаклашиш, ижтимоий ҳолатини яхшилаш, маънавий-маърифий тарғибот ишларини ташкил этиш борасида салмоқли ишларни бажармоқда.



Жорий ўқув йилида институтнинг талабалар турар жойида истиқомат қилувчи кўз касалликлари бўйича 1–2-гуруҳ ногирони, чин етим ва етим, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож талабалар ҳар ойлик тўловдан 100 фоиз озод қилинди. Умумий касалликлар бўйича 2-гуруҳ ногирони бўлган, ўз вазифасини намунали бажариб келаётган кенгаш раиси, қават сардорлари ҳамда турар жой кутубхонаси учун маъсул талабалар ҳар ойлик тўловнинг 50 фоизини тўлайди.

Шунингдек, ўшбу ўқув йили давомида “Темир дафтар”га киритилган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, институт жамоат ишларида фаол, иқтидорли ҳамда ижара шартномаси бўйича ижарада турувчи талабаларга ҳам моддий ёрдам кўрсатилди. “Темир дафтар”га киритилган 1-курс талабаларининг 5 нафарига бир йиллик контракт-тўлов пули тўланди. Институтнинг иқтидорли, жамоат ва спорт тадбирларида фаол 101 нафар, ижтимоий ҳимояга муҳтож 41 нафар талабаси моддий рағбатлантирилди. Институт талабалар турар жойи билан тўлиқ қамраб олинмагани боис, ижара ҳуқуқи асосида ашшаётган ва ижара шартномасини тузган 56 нафар талабанинг ижара пули тўлаб берилди.

2021 йилда мамлакатимизда қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, “Навоийазот”да аммиак, карбамид ва азот қислотаси ишлаб чиқарадиган мажмуалар, Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида “Uzbekistan GTL” заводи ва бошқа кўплаб йирик лойиҳалар ишга туширилди.

“Uzbekistan GTL” заводи мамлакатимизда ва умуман, минтақада нефть-газ кимё саноати соҳасидаги энг йирик корхонадир. Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти айнан мана шундай мажмуаларда яққол намоён бўлади. Ўшбу завод қурилишида қатнашган мутахассисларнинг қарийб 80 фоизи маҳалли кадрлар, хусусан, янгича ишлашга чанқоқ, азму шижоатли ёшларимиз, битирувчиларимиздир.

Энди олдимида вилоятда нефть-газ ва кимё саноатининг истиқболли йўналишлари учун кадрлар тайёрлаш режаларини белгилаш, касб-хунар марказларининг ўқув дастурлари ва ўқитиш методикасини замонавий ишлаб чиқариш талаблари асосида қайта қўриб чиқиш, ўқиш жараёнини ишлаб чиқариш билан узвий боғлаб, ҳар бир ўқувчининг ўз мутахассислиги бўйича бевосита ишлаб чиқариш корхоналарида амалиёт ўташини ташкил этиш каби долзарб масалалар турибди. Бунда, айниқса, ёшларни янги ўрнатилган мураккаб ускуналарда ишлаш, уларни автоматлашган ҳолда бошқариш, технолог, аргон пайвандлаш каби замонавий касбларни ўргатишга алоҳида эътибор қаратилади.

Жорий йилдан институтга хорижий мутахассислар жалб қилинмоқда, замонавий дастурий таъминот ва симуляторлар олиб келинмоқда. Ўзбекистонда барпо қилинаётган янги кластер тизимидаги корхоналар ишга тушиши натижасида мамлакатимиз саноати технологик жиҳатдан бир неча қадам илгарилайди, десак тўғри бўлади. Янги кластер корхоналари нафақат нефть-газ ва кимё соҳаси, балки республикамизнинг барча саноат тармоғи учун технологик ва лойиҳалаштириш ечимлари ва стандартлари, замонавий бошқарув ва IT технологиялар йўналишлари бўйича яққол намуна бўлади. Биз бу орқали мазкур замонавий мажмуа атрофида янги юқори технологик хизматлар тизимини ташкил қиламиз. Албатта, янги корхоналар илм-фан ва инновациялар учун ҳам самарали майдонга айланади.

Давлатимиз раҳбари ишлаб чиқариш ва илм-фан ўртасида интеграцияни ривожлантириш масаласига доим алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунотчи, Тошкент вилоятининг Улугбек шаҳарчасида илмий кимё кластерини ташкил этиш ҳам режалаштирилган. Унга кўра, 60 гектар майдонда маъмурий ва ўқув бинолари, лабораториялар, Ўзбекистон — Корея илмий маркази, илмий ҳодимлар учун турар жой, ётоқхона, амфитеатр, боғ ва қуёш электр станцияси барпо этиш кўзда тутилган. 2024 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган мазкур кимё саноати илмий кластери 8 минг талабга мўлжалланган 3 та олий ўқув юрти, яъни Россиянинг Менделеев кимё университети, Венгриянинг Дебрецен университети ва Тошкент кимё-технология институтини, нуфузли илмий ташкилотлар ва лабораторияларни ўз ичига олади.

Мухтасар айтганда, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, жамият ва давлат бошқаруvinинг ҳар бир нуқтасида фўқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш ва давлат идораларини, том маънода, халққа хизмат қиладиган масканга айлантиришда муҳим аҳамият касб этади.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

БУГУННИНГ “ЗИЁ ҒУНЧАЛАРИ”

эртамизнинг муносиб эгалари

Замира РЎЗИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси, “Шухрат” медали соҳиби

Эртанги кунимиз мамлакатимиз таълим жараёнининг бугунги даражасига боғлиқ экани аини ҳақиқат. Шу боис, бу борада жуда кўп тизимли ишлар қилинаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Таълим сифатини ошириш, ёшлар маънавиятини юксалтириш учун синфхоналарда ўтиладиган сабоқларнинг ўзигина кифоя бўлмайди, албатта.

Шу маънода, тобора кенг қўлч ёзаётган “Ёш китобхон” кўрик-танлови йўлга қўйилгани, ҳар бир мактабда ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиликка Ёзувчилар уюшмаси аъзолари — шоирлар, адиблар, етук публицистлар, адабиётшунослар жалб этилиши аини мудида бўлди. Зеро, ижодкорлар дунёқарашининг кенглиги, тафаккур тиниқлиги бобода бошқалардан бир қадам олдинроқда юради, дейдилар. Назаримда, Президентимиз ҳар бир мактабга ижодкорларни бириктириш ташаббусини илгари сурганида, ўша бир қадамнинг ҳисобини олганига шубҳа йўқ.

Гарчи нафақадаги ижодкор бўлсам-да, бу феолиятни Олтинқўл туманидаги 1-мактабда катта бир шижоат, ўзига хос масъулият билан бошладим. Андижонлик бобуршунослар сафида бўлганим учунми, биринчи ижо-

болаларга” номли шеърда бу исм билан яшаш масъулияти, шарафи ҳақида ёзганим учун ўша шеърни ўқиб ҳам бердим. Кейинги катта тадбиримиз эса “Ёш китобхон” республика танловида олий мукофотни олган олтинқўллик ёш муаллима Фотима Мамталиева билан бўлди. Шундай қилиб, ижодкор болалар билан ишлашда янги-янги мавзуларнинг ўзи шундоққина ёнимиздан чиқиб қоляпти.

Яқинда интернет сайтларида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирохиддин Саййиднинг бир гуруҳ ижодкорлар билан Қорақалпоғистонга боргани, мактабларда учрашувлар ўтказиб, кутубхоналарга китоблар совға қилгани, таниқли шоир Ботиржон Эргашев раҳбарлигидаги бир гуруҳ ижодкорлар ҳам шу мақсадда Хоразм сафарига юрганини ўқидим. Бундай эзгу



ишлар самараси ўлароқ, мактабларимиз кутубхоналари янги китоблар билан бойиб бораётгани қувонарли.

Тошкентнинг “Янги Себзор” маҳалласида мўъжазгина кутубхона бор. Унда Дилором опа деган фидойи аёл анчадан буён ишлайди. У маош ҳам сўрамайди, шунчаки уйи кутубхона билан ёнма-ён бўлгани учун маҳалланинг болалари, катталари зиёга ошно бўлсин, деб ишлайди. Опа биз, ижодкорларни учрашувга таклиф қилди. Шоирлар Тўра Мирзо, Ориф Тўхташ, Озода Бекмуродова билан бордик. Шеър-хонлик, суҳбатлар бўлди. Китобларимизни кутубхона фондига тақдим қилдик.

— Китобхонлик маданиятини юксалтириш учун шунча ишлар қилинаётган бир пайтда мен 75 га кирдим, деб уйда бекор ўтирсам, инсофдан бўлмайди. Маҳалланинг болалари менинг ҳам болаларим, деб ишляпман-да, — дейди Дилором опа.

Таниқли олима, адиба Замира Иброҳимова таклифи билан у тарғиботчилик қилаётган Учтепа туманидаги 238-мактабда бўлдик. Мактаб кутубхонасининг каттагина ўқув залида бўлган учрашув жуда жонли, ҳаяжонли ўтди. Болакайларнинг ўндан ортигидан кичкинтойлар учун нашр этилган “Зийнатбоғ” китобимдаги шеърларни эшитиб, тўлқинландим, тўғриси. Шунингдек, улар ўзлари ёзган шеърларини ҳам ўқиб беришди. Мен ҳам, ҳамроҳим, ёш шоира Наима Анварова ҳам мактаб кутубхонаси учун китоблар, журналлар совға қилдик. Болажонлар эса бизга ўзларининг Замира Иброҳимова ташаббуси билан чоп этилган “Зиё ғунчалари” жамоа кўпلامини совға қилди. Яйраб шеър тингладик, шеър ўқидик. Эғнидаги мактаб либослари ярашиб турган Гулшода Абдурахимова, Гулсанам Гадоимуродова, Комила Мирсидова, Зебо Қодирова, Аҳмадали Назаров, Абдулборий Муҳиддинов, Умида Мингоева, Мафтуна Фаёзова каби ўқувчиларнинг шеър ўқиганда қақнаб турган кўзлари, савол-жавоблардаги топкириқлари шундай тадбирлар, суҳбатларнинг самараси эканидан хурсанд бўлдик.

Сирасини айтганда, бугун мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида, ҳар бир туманидаги ҳар бир мактабда бундай янги-ланишлар шукўҳи яққол сезилиб турибди. Ўзбекистон ҳақиқатан ҳам янги Ўзбекистонга айланмоқда. Эзгу ташаббус қанотида минг-минглаб эртаамиз эгалари камолотнинг янги чўққиларини забт этапти. Буларнинг бари инсон қадрини улуғлаётган, таълимини пойдеворидан бошлаб мустаҳкам қуришга интилаётган мамлакатимизда кечаётган ислохотлар самарасидир.




“Яқинда интернет сайтларида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирохиддин Саййиднинг бир гуруҳ ижодкорлар билан Қорақалпоғистонга боргани, мактабларда учрашувлар ўтказиб, кутубхоналарга китоблар совға қилгани, таниқли шоир Ботиржон Эргашев раҳбарлигидаги бир гуруҳ ижодкорлар ҳам шу мақсадда Хоразм сафарига юрганини ўқидим. Бундай эзгу ишлар самараси ўлароқ, мактабларимиз кутубхоналари янги китоблар билан бойиб бораётгани қувонарли.

дий тадбирим мақсадини белгиладим: “Бобурни ўрганамиз”. Бу борадаги адабий учрашувни Бобурнинг опаси Хонзодабегим ҳақидаги романи учун халқаро “Бобур” мукофоти соҳиби бўлган Омина Тожибоева, яқинда “Бобур салтанати” асарини ёзган адиб Фарид Усмон билан ўтказишни лозим топдим.

Бу икки ижодкордан ўз асарларини ёзишда нималарга эътибор бергани, қизикарли эпизодлар, Бобур ҳаётига оид янги жиҳатлар ҳақида сўзлаб беришларини илтимос қилдик. Тадбирчи Олтинқўл туманидаги барча мактабларнинг адабиёт фани муаллимлари ҳам таклиф этилди.

Учрашув нафақат ўқувчилар, балки барча қатнашчилар учун ҳам ҳайрат, ҳаяжон, таассуротларга бой ўтди. “Бобур исмли



“**ҲА, ШОИР ЎЗ
ШЕЪРЛАРИДАН БИРИДА
БАШОРАТ ҚИЛГАНИДЕК,
“БАРГДАЙ УЗИЛИБ
КЕТСАМ, УНУТМАС
МЕНИ БОГИМ”,
ДЕГАН УМИДБАХШ
САТРЛАРИДАГИ
ОРЗУЛАРИ РЎБИ
МАЪНАВИЯТИМИЗНИ
ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ
ҚИЛАДИ. БИЗНИНГ
ТАДОРИКЛАРИМИЗ
ҲАМ БЕВОСИТА АНА ШУ
ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА
ЙЎНАЛТИРИЛАДИ.**

Усмон Носир каби қатагон қурбонига айланган неча-неча зиёлилар, миллат фарзандлари оқланди. “Аммо нечун шундоқ улугъ шоирнинг 100 йиллик юбилейида жиммиз?..” деган саволлар қаршида лол эдик. Хайрият, давлатимиз раҳбарининг қарори кўнгиллар тубидаги ўкинчларни аритди.

Унинг “Нил ва Рим” поэмасини мактаб дарслигида ўқир эканмиз, ўқувчи болалар ҳам ўз мурғак шуури билан миллвий эрк соғинчи, озошлик орзуси, нахотки, шу қадар жазога лойиқ бўлса, деган саволлар билан ажабланганини кўриб, муаллимларнинг ҳам юраклари эзилганига гувоҳмиз.

*Мана менман, у исённинг ўлмас авлоди,
Мана менман, у қўлларинг ҳеч сўнмас ёди.
Мана менман, фалакларга лов-лов ўт кўйиб,
Оталаримнинг бошидан пойдевор ўйиб,
Келажагим обидасин қураган инсонман!
Ўша жонман, ўша қонман ва ўша шонман!!!*

Бу сатрлар давр фарёди, миллатнинг қалб фиғони эмасмиди, ахир?! Шукрки, маънавиятимиз сарчашмалари яна қалблар меҳварига ўсиш ва юксалишлар бағишлаб оқмоқда. Энди шоирнинг оташин сатрлари яна баланд жаранглайди. Мазкур тарихий қарор унинг асарларини алланечук қимти-нишлар билан эмас, чин меҳр ва тоза муҳаббат билан янада астойдил ўқиб-ўрганишга ҳужжат бўлди.

Эътибор беринг-а! Адиблар хиёбонида шоир ҳайкали қад ростлайди. Унинг кураш-чан ҳаёти ва феолиятини, ҳусанис, қатагон қадар номаълум бўлиб келаётган қўлзма асарларининг тақдир ҳақида маълумотлар тўплаш учун ташкилий гуруҳга Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати жалб қилинади, шунингдек, Россия Федерациясидаги тегишли архив материаллари билан танишиш имкони яратилади.

Усмон Носир ўзининг бебаҳо асарлари билан янги-янги сайланма жилдли китоблари қатидан шууримизга нур, тафаккуримизга қувват бағишлаб, янги Ўзбекистон бағрида ўчмас чироқ янглиғ порлайди.

“Усмон Носир аини ижодий куч-қувватга тўлган 25 ёшида қамалиб, қатагон қилинди. Чунки мустабид тузум бундай миллатпарвар, ватанпарвар инсонларни ўзининг энг ашаддий душмани, деб ҳисоблар эди. Шунинг учун ҳам, шоир умрини қамоқхоналарда азоб-укубатда ўтказиб, 1944 йили 32 ёшида вафот этади. Келгуси йили юртимизда Усмон Носир таваллудининг 110 йиллиги муносиб нишонланади. Шу муносабат билан Усмон Носирнинг ҳаёти ва ижодини янада кенгроқ ўрганиш, асарларини нашр қилиш, жумладан, пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида ҳайкалини ҳамда Россиянинг Кемерово ўлкасидаги шоир дафн этилган масканда ёдгорлик ўрнатиш кўзда тутилмоқда”.

УСМОН НОСИР ТАВАЛЛУДИНИНГ 110 ЙИЛЛИГИ

ЎЧМАС ЧИРОҚ ЯНГЛИҒ

Зиёвиддин МАНСУР,
Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзолари

Бу гапни Президентимиз ўтган йили Наманган вилоятига сайловолди ташрифи чоғида айтган эди. Орадан кўп ўтмай, яъни шу йил 10 февралда давлатимиз раҳбарининг “Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.


Нафақат Наманган, балки бутун мамлакат бу улугъ фарзанди билан ҳар қанча гурурланса, фахрланса арзийди. Усмон Носир ўзининг фавқуллодда юксак қобилияти, ноёб истеъдоди, бетақрор ижоди билан адабиёт оламига ўтторак шоир сифатида кириб келди. Қисқа умри давомиди қолдирган ноёб адабий дурдоналари, Пушкин, Лермонтов каби буюк шоирлар ижодидан қилган ўзига хос, мағзи ўзбекона сўз гавҳарлари ила обдан тўйинтирилган таржималари шоирнинг бизга қолдирган бебаҳо мероси, дейишимиз мумкин.

*Шеърим! Яна ўзинг яхшисан,
Боққа кирсанг, гуллар шарманда.
Бир мен эмас, ҳаёт нақшисан,
Жоним каби яшайсан манда...*

Ўтган асрнинг 30-йилларида кўзга кўринган ва эл оғзига тушган истеъдодли шоир Усмон Носир 1912 йил 13 ноябрда Наманган шаҳрида дунёга келди. 1937 йилнинг 18 июлида ҳибсга олинганда ҳали у 25 ёшга ҳам тўлмаган эди.

Худди шу дамларда у Пушкиннинг “Богчасарой фонтани” достони таржимаси устида ишлаётган ва Москвада улугъ шоир таваллудининг 100 йиллигида иштирок этишга муяссар бўлганди.

Унинг таржимасидаги “Улугъ кун” Ҳамза номидаги театрда муваффақият билан намойиш қилинди. “Ватан ҳақида кўшиқ” Москвада илк бор ўтказилган Ўзбекистон санъати ўн кунлигида ижро этилганда гулдурос қар-



сақлар билан қарши олинди. Ўша даврда “Правда” газетаси Усмон Носир сиймосида Шарқда Пушкин, Ўзбекистонда Лермонтов пайдо бўлганини башорат қилганди. Шоир

ташкил этиш каби ишларни йўлга қўйиш белгиланган. Шарафли режаларни амалга ошириш, қарор ижросини бажариш юзасидан тадбирлар бошлаб юборилди.

Ҳа, шоир ўз шеърларидан бирида башорат қилганидек, “Баргдай узилиб кетсам, унутмас мени богим”, деган умидбахш сатрларидаги орзулари рўёби маънавиятимизни юксалтиришга хизмат қилади. Бизнинг тадориқларимиз ҳам бевосита ана шу эзгу мақсадларга йўналтирилади.

Дарҳақиқат, мустабид тузум даврида қатагон қурбони бўлган шоир ўзининг бетақрор истеъдоди, юксак матонати ва ўлмас асарлари билан элимиз қалбидан мустаҳкам ўрин топган фидойилардан бири эди. Унинг Ватанга муҳаббат ва садоқат, келажакка юксак ишонч туйғуси билан йўғрилган шеърлари маънавиятимизни юксалтиришга хизмат қилиб келмоқда.

Шоир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш ҳақидаги қарорда белгиланган вазифалар билан қайта-қайта танишарканмиз, кўз ўнгимиздан тарих саҳифаларидан ўқиб билганимиз, унутилмас лаҳзалар ўтди: “Уйда ўтказилган тинтувдан сўнг, шоирнинг қўлларига кишан солиб, олиб чиқиб кетишаётган пайтда онаси Холаббининг қорланишларига жавобан унинг кўнглини қолдириш, ўзидан совутиш учунгина айтган совуқ гаплари, абгору ларишон қарашлари...”.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 550
88510 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими А2.**
Баҳоиси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусахҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 23:15 Топширилди — 00:25